

А Ж Р И М

2024 йил 9 февраль куни жиноят ишлари бўйича Фурқат туман суди ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи жиноят ишлари бўйича Фурқат туман судининг раиси Х.Қосимов, судья ёрдамчиси Ф.Халилов котиблигида, тарафлардан Фурқат туман прокурори ёрдамчиси А.Исмоилов, Фурқат туман ИИБ ПГнинг вакили В.Мурвалиевнинг иштирокида Фурқат туман ИИБ бошлиғининг Фурқат туман ИИБ ПГнинг ҳисобида турувчи озодликни чеклаш жазосини ўтаётган А.Шериқуловни ушбу жазодан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақидаги тақдимномаси ва илова қилинган йиғма жилдни кўриб чиқди.

Шериқулов Адхамжон Рахматович (Sheriqulov Adxamjon Rahmatovich), 1976 йил 5 январда Фурқат туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, муқаддам жиноят ишлари бўйича Фурқат туман судининг 2023 йил 26 январдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддаси 1-қисми билан 10 ой 9 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Фурқат туман судининг 2023 йил 21 июндаги ажримига кўра, ўталмаган 10 ой 9 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ЖК 46-моддаси 4-қисмига асосан шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган, Фурқат тумани, Чилгижийда МФЙ, Шатура қишлоғи, рақамсиз уйда яшайди.

Суд йиғма жилд ҳужжатлари, Фурқат туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси ва иш бўйича тўпланган далилларни атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Фурқат туман ИИБнинг бошлиғи судга тақдимнома билан мурожат қилиб, маҳкум А.Шериқулов муқаддам жиноят ишлари бўйича Фурқат туман судининг 2023 йил 21 июндаги ажримига кўра, ўталмаган 10 ой 9 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ЖК 46-моддаси 4-қисмига асосан шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилгани, 2023 йил 9 сентябрда маҳкум Фурқат туман ИИБ ПГга ҳисобга олиниб, унга жазони ўташнинг тартиб-қоидалари тушунтирилганлиги ҳамда бу ҳақида ундан тилхат ва тушунтириш хати олинганлигини, маҳкум А.Шериқуловга тайинланган озодликни чеклаш жазосини ўтаётганлигини, жазони ўташ даврида ҳуқуқбузарликлар ва қоидабузарликлар содир этмаганлигини, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиб, намунали хулқ-атвори билан ажралиб турганлигини, ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажариб келаётганлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ҳозирда жазонинг 4 ой 28 кунини ўтаганлигини, унинг ўталмай қолган озодликни чеклаш жазоси муддати 5 ой 11 кунни ташкил қилишлигини, маҳкум тайинланган учдан бир қисмидан кўпроғини



ўтаганлигини маълум қилиб, А.Шериқуловни ўталмай қолган озодликни чеклаш жазосидан ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан муддатидан илгари шартли озод қилишни сўраган.

Суд маҳкум А.Шериқулов ва Фурқат туман ИИБ ПГнинг вакили В.Мурвалиевнинг кўрсатмаларини, Фурқат туман прокурори ёрдамчиси А.Исмоиловнинг маҳкумни ўталмай қолган озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақидаги фикрини тинглаб, иш хужжатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, маҳкум А.Шериқулов меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиб, намунали хулқ-атвори билан ажралиб турганлигини, ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажариб келаётганлигини, тайинланган жазонинг учдан бир қисмидан кўпроғини ўтаганлигини инобатга олиб, уни жазони ўталмай қолган қисмини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни ва Фурқат туман ИИБнинг тақдимномасини қаноатлантиришни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 536-моддасига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И

Фурқат туман ИИБнинг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Шериқулов Адхамжон Рахматович (Sheriqulov Adxamjon Rahmatovich) жиноят ишлари бўйича Фурқат туман судининг 2023 йил 21 июндаги ажримига кўра тайинланиб, ўталмаган 5 ой 11 кун озодликни чеклаш жазосидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми «а» бандига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинсин.

Ажрим нусхаси ижро қилиш учун Фурқат туман ИИБга юборилсин.

А.Шериқуловга жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса суд ЖКнинг 60-моддасига мувофиқ жазо тайинлаш тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар 10 кун муддат ичида шу суд орқали Фарғона вилояти судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Х.Қосимов

